

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан олмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланиш санага топши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилди. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартларни мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаи ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаи бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичкда акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг хар бир кун учун 0.4 % пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан олмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўламларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичкда тўланади.

6.9. "Таъминотчи" тўловнинг хар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки хафта муддат ичкда тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишдаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль куннда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда ифлослантурувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри қилинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ судлар томонидан кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан илзо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичкда бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 202__ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ

«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТ» МЧЖ бўлими

Манзил: Чирчиқ шаҳар бўлими

Тел: Ор.сч: 2263 8000 4001 0149 8432

Ҳ-р: Ҳас.сч: 2263 8000 4001 0149 8131

Банк: Ҳас.сч: 2262 2000 8001 0149 8031

Банк код: 000178 ИИН 201577353 ОКЯВ 36000

СТПР:

XXTUT:

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Чирчиқ БУСМ

Манзил: Ўзбекистон к. в. уч

Тел: 807763133

Ҳаз/х-р: 23402000300/0000/010

Банк: Чирчиқ ш. Ҳазиметлик б-сч

Банк коди: 00014 СТПР: 201122919

XXTUT: Тошкент шаҳ. б. б. б. ХК К М

Шахсий рақам:

Шахсий х-р: 100022860284192083610845001

Банк:

Банк коди: СТПР: 207114274

Раҳбар

М.У. (Ф.И.Ш. ИМЗО)

«05» 01 2022 й.

Раҳбар

М.У. (Ф.И.Ш. ИМЗО)

«05» 01 2022 й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Ҳужжатли тортувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Ҳуқуқшунос

«05» 01 2022 й.

«05» 01 2022 й.